

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

259 Олимпия захиралари коллежларида спорт захирасини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Олимпия захиралари коллежлари базасида юқори классли спортчилар ва захира тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ягона типдаги таълим муассасалари сифатидаги фаолияти тартиби ва шарт-шароитларини бирхиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Олимпия захиралари коллежлари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Олимпия захиралари коллежларида текин (имтиёзли) овқатлантириш харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Олимпия захиралари коллежлари ўқувчилари учун суткалик озиқ-овқат нормаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг олимпия захиралари коллежларида 7-синфдан 9-синфгача ўқитган ҳолда умумтаълим бўғинларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда:

2010-2011 ўқув йилидан бошлаб Жиззах, Самарқанд, Тайлоқ, Бухоро, Нукус, Қарши, Термиз, Фарғона, Урганч ва Наманган олимпия захиралари коллежлари тузилмасига мавжуд моддий-техника базаси ва қувватлар доирасида 7-синфдан 9-синфгача ўқитган ҳолда умумтаълим бўғинларини киритсинлар;

2010-2011 ўқув йилидан бошлаб Урганч олимпия захиралари коллежи ҳузуридаги мактаб-интернатни ва Фарғона олимпия захиралари коллежи ҳузуридаги умумтаълим мактабини тугатсинлар, ушбу коллежлар тузилмасига 7-синфдан 9-синфгача ўқитган ҳолда умумтаълим бўғинларини киритсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази:

умумтаълим билимларининг узвийлигини ва спорт маҳоратини узлуксиз ўстиришни таъминлашни, шунингдек олимпия захиралари коллежлари ўқувчиларини тайёрлаш йўналишларини бирхиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда 2010-2011 ўқув йили бошлангунгача давлат таълим стандартини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда олимпия захиралари коллежларининг намунавий штатларини, шунингдек олимпия захиралари коллежларида ўқитувчи-тренерлар меҳнатига ҳақ тўлаш нормативларини ва тартибини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази 2010 йил 15 августдан бошлаб 4-иловага мувофиқ олимпия захиралари коллежлари, шу жумладан уларга тегишли бинолар ва иншоотлар, моддий-техника воситалари, ўқув асбоб-ускуналари ҳамда бошқа мол-мулкнинг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфига берилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2010 йилги Давлат бюджети параметрларига ўзгартиришлар киритсин, 2011 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида ушбу қарорнинг амалга оширилиши билан боғлиқ харажатларни қоплашга таълим соҳаси учун ажратиладиган маблағлар доирасида зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 30 июль,
163-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 30 июлдаги 163-сон қарорига
1-ИЛОВА

Олимпия захиралари коллежлари тўғрисида НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Таълим тўғрисида», «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, шунингдек Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ Олимпия захиралари коллежларининг мақомини, улар фаолияти тартибини ва асосий йўналишларини белгилайди.

2. Олимпия захиралари коллежи ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат спорт-таълим муассасаси ҳисобланади, унинг фаолияти ўрта бўғин спорти соҳасида юқори малакали мутахассислар ҳамда спортнинг олимпия ва миллий турлари, шунингдек Олимпия ўйинлари дастурига киритиш учун номзод бўлган турлари бўйича терма жамоаларни шакллантириш учун спорт захираси тайёрлашга йўналтирилган.

Олимпия захиралари коллежи ўқувчиларни самарали танлаб олиш, уларнинг спорт маҳоратини тинимсиз ўстириш ҳамда олимпия захирасини сифатли тайёрлаш мақсадида ўз тузилмасида 7-синфдан 9-синфгача ўқитган ҳолда умумтаълим бўғинларига эга бўлади.

3. Олимпия захиралари коллежи ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ўз уставига амал қилади.

4. Олимпия захиралари коллежи юридик шахс ҳисобланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади, ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек ўз устави асосида фаолият кўрсатади.

5. Олимпия захиралари коллежлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфида бўлади, коллежлар фаолиятига умумий ташкилий, ўқув-методик ва илмий раҳбарлик қилиш, шунингдек моддий-техник таъминот Вазирлик томонидан амалга оширилади.

Олимпия захиралари коллежларига умумий таълим ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дастурлари бўйича ўқув-методик раҳбарлик қилиш Давлат таълим стандартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан амалга оширилади.

6. Олимпия захиралари коллежи спортнинг оммалаштирилаётган турлари бўйича ўқув-машқ машғулотларини таъминлаши ҳамда тегишли спорт базасига эга бўлиши лозим.

7. Спорт захирасини тайёрлаш олиб борилаётган спорт турлари ҳамда олимпия захиралари коллежи ўқувчилари контингенти олимпия захиралари коллежи тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Олимпия захиралари коллежи умумий контингенти 600 нафар ўқувчидан иборат этиб шакллантирилади, умумий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бўғинлари бўйича — 300 нафардан.

8. Олимпия захиралари коллежи 3810201 «Спорт» мутахассислиги, спортнинг танланган турлари бўйича тренер-ўқитувчи касбини берган холда кадрлар тайёрлайди.

Олимпия захиралари коллежига бошқа мутахассисликлар бўйича ўқувчилар қабул қилинишига йўл қўйилмайди.

9. Олимпия захиралари коллежида ўқиш:

умумий таълим дастури бўйича — 3 йил;

ўрта махсус, касб-хунар таълими дастури бўйича — 3 йил.

10. Ўқув дастурини ўзлаштирган ва якуний давлат аттестациясидан ўтган олимпия захиралари коллежи битирувчиларига ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилади, умумтаълим бўғинларининг 9-синфлари битирувчиларига ўрта маълумот тўғрисида давлат намунасидаги аттестат берилади.

Дипломга ўзлаштирилган умумтаълим фанлари ва махсус фанлар, соатлар ҳажми ва улар бўйича баҳолар кўрсатилган варақа илова қилинади.

Олимпия захиралари коллежини битирганлик тўғрисидаги диплом эгалланган мутахассисликка мувофиқ меҳнат фаолиятини амалга ошириш, ёхуд ўқишнинг келгуси босқичида таълим олишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

II. Олимпия захиралари коллежининг мақсади, вазифалари ва унинг фаолиятини ташкил этиш

11. Қуйидагилар олимпия захиралари коллежининг мақсади ҳисобланади:

ўқувчиларни чуқурлаштирилган ихтисосли ўқитиш, ҳар томонлама камол топтириш ва уларнинг спорт мутахассисликлари ва касбларини эгаллашини таъминлаш;

ёш спортчиларни истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тайёрлаш, уларда ўз Ватани учун фахрланиш ва миллий маданий-тарихий анъаналарни ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш.

12. Қуйидагилар олимпия захиралари коллежининг асосий вазифалари ҳисобланади:

олимпия захиралари коллежларининг умумтаълим бўғини 9-синфлари битирувчиларидан энг иқтидорли спортчиларни, спорт ихтисосидаги мактаб-интернатларда, олимпия захираси болалар-ёшлар спорт мактабларида ва ихтисослаштирилган болалар-ёшлар мактабларида дастлабки тайёргарликдан

ўтган спортчиларни олимпия захиралари коллежларида ўқишни давом эттириш учун танлаб олиш;

республика ва халқаро мусобақаларда қатнашиш учун спорт захирасини терма жамоалар таркибига тайёрлаш;

ўқувчи-спортчиларнинг республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этиши учун зарур ва етарли бўлган касбий мойиллигини, маҳорати ва кўникмалари чуқур ривожлантирилишини таъминлаш, спорт тайёргарлиги таълимининг навбатдаги босқичларида ўқишини, шунингдек эгалланган мутахассислик бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланишни давом эттириш;

мутахассислар ва спорт захирасини сифатли тайёрлаш учун зарур ташкилий, ўқув-методик, моддий-техник ва психологик-педагогик шарт-шароитларни таъминлаш;

давлат таълим стандарти доирасида умумтаълим ва касб-хунар ўқув дастурларини амалга ошириш;

ўқув-тарбия жараёнининг соғломлаштирувчи йўналишини амалга ошириш учун шарт-шароитларни таъминлаш, соғлом турмуш тарзи нормаларини жорий этиш.

13. Олимпия захиралари коллежларида таълим ва спорт тайёргарлиги мазмуни, таълим ва ўқув-машқ жараёнини ташкил этиш давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари билан белгиланади.

14. Олимпия захиралари коллежлари ўқувчиларининг ижтимоий кафолатлари ва уларни қўллаб-қувватлаш қонун ҳужжатларида, шунингдек коллеж уставида белгиланади.

15. Олимпия захиралари коллежининг ўқиш, спорт тайёргарлиги, меҳнат ва дам олиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича фаолияти, ўқувчилар ва ходимларнинг яшаш шароитлари, шунингдек уларнинг таъминоти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

III. Республика олимпия захиралари коллежининг фаолияти хусусиятлари

16. Тошкент шаҳридаги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Республика олимпия захиралари коллежи спорт соҳасида ўрта махсус бўғин мутахассислари тайёрлаш бўйича базавий ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси ҳисобланади ҳамда қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

селекция ишлари олиб бориш ва истиқболли спортчиларни танлаш, шу жумладан юқори спорт ютуқларига эга бўлган олимпия захиралари бошқа коллежларининг ёш спортчилари бўлган ўқувчилар контингентидан ўтказиш ҳисобига истиқболли спортчиларни танлаш;

ўқувчиларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган назарий ва жисмоний тайёргарлиги, уларни тайёрлашнинг ўқув-машқ жараёнига илғор спорт-психология технологияларини жорий этиш;

олимпия захиралари коллежлари фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш.

17. Селекция ишлари, бошқа спорт мактаблари ва мактаб-интернатлар ўқувчилари, олимпия захиралари коллежлари ўқувчилари контингентидан юқори спорт ютуқларига эришган энг истикболли ва иқтидорли ўқувчиларни Республика олимпия захиралари коллежига қабул қилиш ва ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда белгиланади.

IV. Олимпия захиралари коллежларига ўқувчилар қабул қилиш, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни

18. Олимпия захиралари коллежига ўқишга қабул қилиш республика ҳудудида яшаётган, қоидага кўра, спортга ихтисослашган мактаб-интернатларда, болалар-ёшлар спорт мактабларида ва олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар-ёшлар спорт мактабларида дастлабки тайёргарликдан ўтган спортга қобилияти энг иқтидорли ўқувчилар орасидан танлаб олиш асосида амалга оширилади.

19. Олимпия захиралари коллежига ўқувчилар белгиланган тартибда умумтаълим бўғинининг 7-синфига ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бўғинининг 1-курсига қабул қилинади.

Олимпия захиралари коллежи умумтаълим бўғинининг 7-синфига ўқувчилар танлов шартлари бўйича ва 6-синфдаги ўзлаштириш табели асосида қабул қилинади.

Олимпия захиралари коллежи ўрта махсус, касб-хунар таълимининг 1-курсига ўқувчилар ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат асосида;

олимпия захиралари коллежи умумтаълим бўғини 9-синфлари битирувчилари орасидан коллеж аттестация комиссияси қарорига кўра;

умумтаълим мактаблари ва мактаб-интернатларнинг 9-синфлари битирувчилари орасидан танлаб олиш шартлари бўйича қабул қилинади.

20. Олимпия захиралари коллежига йигит ва қизлар жинси, тили, ирки, миллати, диний мансублиги, ижтимоий келиб чиқиши, машғулоти тури, ижтимоий мавқеи, яшаш жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаганлигидан қатъи назар, қабул қилинади.

Хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ танлаб олиш тартибида қабул қилинади.

21. Олимпия захиралари коллежига ўқувчилар қабул қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

22. Олимпия захиралари коллежига қабул қилинган ўқувчилар:

умумтаълим ва махсус спорт фанлари бўйича ўқиш;

ўқув-машқ жараёнида ва мусобақаларда иштирок этиш;

олимпия захиралари коллежи ўқувчилари учун суткалик озиқ-овқат нормасига мувофиқ озиқ-овқат билан таъминланиш;

олимпия захиралари коллежининг моддий-техника базаси ва мол-мулкидан бепул фойдаланиш;

ўқувчилар ва талабалар яшайдиган уйда бепул яшаш;

ўқишни бошқа таълим муассасасига кўчириш ҳуқуқига эгадир.

23. Олимпия захиралари коллежининг ўқув синфлари ва гуруҳлари 30 кишидан иборат бўлади. Ўқувчилар ўқитиш курслари бўйича гуруҳларга, шунингдек умумтаълим бўғинлари синфларига, спорт тайёргарлиги йўналишлари бўйича эса — бўлинмаларга бирлашади.

24. Ўқитиш курси ва умумтаълим бўғини синфини тугаллаш якунлари бўйича рейтинг назорати натижалари асосида ўқувчиларни навбатдаги курсга ва умумтаълим бўғинининг навбатдаги синфига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Ўқувчиларни курсдан курсга ва умумтаълим бўғини синфидан синфига ўтказиш таълим муассасаси директорининг буйруғи билан амалга оширилади. Шартли равишда ўтказишларга йўл қўйилмайди.

25. Ўқувчиларни олимпия захиралари коллежидан бошқа таълим муассасасига ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

26. Ўқувчи-спортчиларни олимпия захиралари коллежидан четлатиш:

бошқа таълим муассасасига кўчиришда, шу жумладан ўқувчиларнинг ўз ташаббуси билан кўчиришда (уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг аризаси асосида);

академик ўзлаштирмасликда ва тегишли норматив талаблар топширилмаганда, спорт натижаси пасайганда ва тиббий номувофиклик ҳолатларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳолларда ўқувчиларни коллеждан четлатиш олимпия захиралари коллежи аттестация комиссиясининг қарорига кўра бир йилда икки марта амалга оширилади;

ўқув интизоми ва олимпия захиралари коллежининг ички тартиби қоидалари бузилганда, шу жумладан ахлоқсизлик, спорт одоби, спорт тайёргарлиги режими бузилган, шу жумладан тақиқланган фармокологик, алкогольли ва гиёҳванд воситалар қўлланилган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

27. Ўқув йили 2 сентябрда бошланади ва ўқув режасига мувофиқ тугалланади.

28. Олимпия захиралари коллежида ўқиш кундузги шаклда амалга оширилади. Ўқув машғулотларининг қанча давом этиши, ўқувчиларнинг ўқув юкламаси ва ўқув-тарбия жараёнининг бошқа масалалари Умумий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат стандартларига мувофиқ белгиланади.

29. Олимпия захиралари коллежининг ўқув режаси Давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга ошириладиган умумтаълим фанларини, махсус ва спорт тайёргарлиги фанларини ўз ичига олади.

30. Ўқув режалари ва дастурлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазир-

лигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади.

31. Олимпия захиралари коллежи ўқув режасига мувофиқ ўқув, ўқув-машқ ва тарбиявий ишларни ташкил этиш шакллари ва усулларини белгилайди.

Ўқув дастурлари қуйидаги шаклларда ўқув режасига мувофиқ амалга оширилади: ўқув дarsi, маъруза, семинар, лаборатория иши, амалий машғулотлар, курс иши, мустақил тайёргарлик.

Гуруҳда ва якка тартибдаги ўқув-машқ машғулотларида, ўқув-машқ йиғинларида, мусобақаларда қатнашиш ўқув-тарбия жараёнининг асосий шакллари ҳисобланади.

32. Олимпия захиралари коллежи ўқувчиларнинг спорт маҳорати даражасини қўллаб-қувватлаш ва ошириш мақсадида таътил вақтида ўқув йилида 60 кунгача давом этадиган ўқув-машқ йиғинлари ўтказган ҳолда ўқувчиларнинг фаол дам олишини ташкил этиши мумкин.

33. Таълим сифати ва спорт тайёргарлигини назорат қилиш Умумий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ амалга оширилади.

V. Олимпия захиралари коллежини бошқариш

34. Олимпия захиралари коллежини бошқариш якка бошчилик, демократия, ўзини ўзи бошқариш ва ошкоралик принципларини бирга қўшиб олиб бориш асосида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

35. Таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва бирхиллаштириш, педагог кадрлар билан таъминлаш, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади.

36. Олимпия захиралари коллежига спорт соҳасида тегишли олий маълумотга ва спорт-таълим муассасаларида камида 5 йил амалий иш тажрибасига эга бўлган шахслар орасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор бошчилик қилади.

37. Директор олимпия захиралари коллежи фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, ўқувчиларнинг ўқиши ва тарбияланиши, ўқув режалари ва дастурлари бажарилиши, молия-хўжалик фаолияти амалга оширилиши учун жавоб беради, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ходимларнинг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ходимларнинг штат жадвалини ҳамда тренерлар ва педагоглар таркибининг тариф рўйхатларини тасдиқлайди.

Директор:

олимпия захиралари коллежи номидан иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг мол-мулкани тасарруф этади ва шартномалар тузади;

олимпия захиралари коллежи ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ва таълим муассасасига юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

ўз ваколатлари доирасида олимпия захиралари коллежининг ўқувчилари ва барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

олимпия захиралари коллежининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, ўқув-машқ ва ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, малакали педагог кадрлар, тренерлар билан бутлаш ҳамда олимпия захиралари коллежи фаолиятининг бошқа масалалари бўйича айрим масалаларни кўриб чиқиш учун давлат бошқаруви тегишли органларига киритади;

педагоглар ва бошқа ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни тўхтатади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

38. Олимпия захиралари коллежида директор ҳузуридаги коллегиал орган ҳисобланадиган педагогика кенгаши, шунингдек Директор жамғармасидан ходимларни рағбатлантириш масалалари бўйича махсус комиссия ташкил этилади.

Педагогика кенгашининг асосий вазифалари ва функциялари олимпия захиралари коллежининг уставида белгиланади.

39. Олимпия захиралари коллежида васийлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг вакилларида иборат бўладиган васийлик кенгаши тузилади.

40. Олимпия захиралари коллежини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

VI. Таълим жараёни қатнашчилари

41. Ўқувчилар, ўқитувчилар ва тренерлар таркиби, тарбиячилар ва тиббиёт ходимлари, ўқувчиларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) олимпия захиралари коллежи таълим жараёнининг қатнашчилари ҳисобланадилар.

42. Олимпия захиралари коллежи ўқувчиларига ўқишга қабул қилинганларидан кейин ўқувчи билети ва белгиланган намунадаги рейтинг дафтарчаси (олимпия захиралари коллежининг 1 — 3-курслари ўқувчилари учун) берилади.

Олимпия захиралари коллежи ўқувчилари Давлат таълим стандартларига мувофиқ бепул умумий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими олиш, қўшимча таълим хизматларидан фойдаланиш, таълим муассасасининг уставида белгиланган шаклда таълим муассасасини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

Олимпия захиралари коллежи ўқувчилари олимпия захиралари коллежи уставига риоя қилиши шарт.

43. Тегишли касб таълимига, касбий тайёргарликка эга бўлган ва юксак ахлоқий фазилатли шахслар олимпия захиралари коллежида педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир. Суд қарори билан педагогик фаолият билан шуғулланиши тақиқланган шахслар ҳамда судланганлиги олиб ташланмаган ёки судланганлиги қопланмаган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланишга қўйилмайди.

44. Ўқитувчилар ва тренер-ўқитувчилар таркибини, тарбиячилар ва тиббиёт ходимларини олимпия захиралари коллежига ишга қабул қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

45. Олимпия захиралари коллежининг ўқитувчилар ва тренер-ўқитувчилар таркибини, тарбиячилари ва тиббиёт ходимларини аттестациядан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

46. Ўқитувчилар ва тренерларнинг ўқув-педагогик юкмаси қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

47. Ўқитувчилар ва тренер-ўқитувчилар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

48. Педагог ходимлар ва тренер-ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари қонун ҳужжатларига ва олимпия захиралари коллежи уставига мувофиқ белгиланади.

49. Ўқувчиларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) олимпия захиралари коллежининг таълим фаолияти билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар.

VII. Тиббий-биологик таъминлаш

50. Тиббиёт ходимлари спорт бўйича тренер-ўқитувчилар билан биргаликда тренировка машғулотлари, ўқув-тренировка йиғинлари, мусобақалар, дам олиш даврида ўқувчиларни тиббий назоратдан ўтказадилар. Спорт бўйича ўқитувчилар тиббий кузатувлар натижаларидан спортчилар тайёрлашнинг яқка тартибдаги режаларига тузатишлар киритиш учун фойдаланадилар.

51. Олимпия захиралари коллежи ўқувчиларни тиббий таъминлаш мақсадида функционал ташхис ва саломатликни тиклаш тадбирлари учун саломатликни тиклаш марказига, зарур бино ва асбоб-ускуналарга эга бўлади.

52. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги спортчиларни танлаб олиш ва уларнинг функционал тайёргарлиги ҳолати юзасидан ташхис қўйиш, даволаш-профилактика тадбирлари ва спортчиларнинг саломатлигини тиклаш жараёнларини мақбуллаштириш учун олимпия захиралари коллежини Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида тегишли аппаратлар, зарур реактивлар ва дори-дармонлар билан таъминлайди.

VIII. Олимпия захиралари коллежи фаолиятини молиявий ва моддий таъминлаш

53. Олимпия захиралари коллежини молиявий таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

таълим хизматларини амалга оширишдан, педагогика, ишлаб чиқариш ва олимпия захиралари коллежининг уставдаги вазифаларига мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

олимпия захиралари коллежи ўқувчиларини текин (имтиёзли) овқатлантириш харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўлови;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий эҳсонлари ва мақсадли бадаллари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

54. Олимпия захиралари коллежи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган ва тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси асосида молиялаштирилади.

55. Олимпия захиралари коллежи ходимларининг иш ҳақи қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

56. Олимпия захиралари коллежи ўзининг молия-хўжалик фаолиятини бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида амалга оширади.

Олимпия захиралари коллежининг молиявий маблағлари вазначилик шахсий ҳисоб рақамларида туради ва улардан қонун ҳужжатларига ҳамда олимпия захиралари коллежи уставига мувофиқ фойдаланилади.

57. Олимпия захиралари коллежининг моддий маблағлари, бинолари, спорт иншоотлари ва асбоб-ускуналари унинг хўжалик тасарруфида бўлади ва улардан уставдаги вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланилади.

Олимпия захиралари коллежининг устахоналар, лабораториялар ва бошқа объектлар билан таъминланганлиги Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим жараёнини моддий-техник таъминлаш нормативлари билан белгиланади.

58. Олимпия захиралари коллежи белгиланган тартибда ўз ишлари натижаларининг тезкор ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистик ва бухгалтерия ҳисоботларини юритади.

59. Олимпия захиралари коллежида хўжалик ва молия интизомига риоя этилишини назорат қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

IX. Халқаро фаолият

60. Олимпия захиралари коллежи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларига мувофиқ таълим ҳамда жисмоний тарбия ва спорт масалалари бўйича халқаро фаолиятни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда бошқа ташкилотлар линияси бўйича халқаро мусобақаларда қатнашиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ёки мутасаддилик қиладиган Комплекси раҳбари томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Спорт-оммавий тадбирлар календарь режасига мувофиқ чет мамлакатларда ўқув-тренировка йиғинларини ўтказиш;

олимпия захиралари коллежининг тренер-педагоглар таркиби ходимларини ва спортчиларини алмашиш, қўшма спорт тадбирлари, байрамлар, кўриклар, семинарлар ва шу кабиларни ўтказиш бўйича хорижий спорт ташкилотлари билан белгиланган тартибда битимлар тузиш.

61. Олимпия захиралари коллежи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хорижий мамлакатлар учун мутахассислар тайёрлашни амалга ошириши мумкин.

62. Олимпия захиралари коллежи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ёки мутасаддилик қиладиган Комплекси раҳбари томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Спорт-оммавий тадбирлар календарь режасига мувофиқ хорижга (тажриба алмашиш, тажриба орттириш, турли тадбирлар, мусобақалар, олимпиадалар ва шу кабиларда қатнашиш мақсадида) юбориш учун спортчилар ва тренерлар танлашни амалга ошириши мумкин.

Х. Яқуний қоида

63. Олимпия захиралари коллежини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 30 июлдаги 163-сон қарорига
2-ИЛОВА

Олимпия захиралари коллежларида текин (имтиёзли) овқатлантириш харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Ушбу Низом Олимпия захиралари коллежларида текин (имтиёзли) овқатлантириш харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўлови миқдорини ҳамда тўлаш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилайди.

І. Умумий қоидалар

1. Олимпия захиралари коллежлари ўқувчилари, шу жумладан умумтаълим бўғини ўқувчилари олимпия захиралари коллежлари ўқувчилари учун

суткалик озиқ-овқат нормасига мувофиқ, ота-оналар тўлови ҳисобига харажатларни қисман қоплаган ҳолда, текин (имтиёзли) озиқ-овқат билан таъминланадилар.

2. Олимпия захиралари коллежида ота-оналар тўлови энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида ундирилади.

3. Олимпия захиралари коллежларининг бошқа жойдан келган, ўқувчилар ва талабалар ётоқхоналарида яшайдиган ўқувчиларини озиқ-овқат билан таъминлаш олимпия захиралари коллежлари ўқувчилари учун — суткалик озиқ-овқат нормасининг 100 фоизидан, қолган ўқувчилар учун эса — олимпия захиралари коллежлари ўқувчилари суткалик озиқ-овқат нормасининг 50 фоизи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ўқувчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш харажатларини молиялаштириш, ота-оналар тўловидан тушадиган суммани ҳисобга олган ҳолда, олимпия захиралари коллежида ўқитишнинг тегишли бўғини ўқувчилари учун суткалик озиқ-овқат нормасининг ҳосил бўладиган қийматининг 75 фоизи миқдорида амалга оширилади.

4. Қишки ва ёзги таътиллار даврида (60 кунгача) олимпия захиралари коллежларида ўтказиладиган ўқув-тренировка йиғинлари вақтида олимпия захиралари коллежлари ўқувчилари озиқ-овқат билан ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган шартларда таъминланадилар.

II. Ота-оналар тўловини тўлаш тартиби

5. Олимпия захиралари коллежларига ота-оналар тўлови ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ва олимпия захиралари коллежлари маъмурияти ўртасида тузиладиган шартнома асосида тўланади.

6. Олимпия захиралари коллежига ота-оналар тўлови ҳар ойда, тўланадиган жорий ойнинг ўнинчи кунидан кечикмай тўланади. Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) хоҳишига кўра ота-оналар тўлови янада узоқ муддатлар учун тўланиши мумкин.

Ота-оналар тўлови ушбу банднинг биринчи хат бошида кўрсатилган муддатдан кейин бир ҳафта мобайнида тўланмаган тақдирда олимпия захиралари коллежлари ўқувчисига текин (имтиёзли) озиқ-овқат бериш тўлов тўланадиган вақтгача тўхтатилади.

7. Ота-оналар тўлови банкка тўланади, кейинчалик олимпия захиралари коллежига тўлов тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси (квитанцияси) тақдим этилади.

Ота-оналар тўлови нақд пулсиз шаклда тўланган тақдирда олимпия захиралари коллежига тўлов топшириқномасининг нусхаси (тўлов тўланганлиги тўғрисидаги банк белгиси билан) тақдим этилади.

8. Олимпия захиралари коллежи бўйича ота-оналар тўлови ҳудудий тегишли ғазначилик ҳисоб рақамларига, кейинчалик улардан фойдаланиш учун олимпия захиралари коллежининг ғазначилик бўлинмаларидаги ҳисоб рақамларига ўтказилади.

III. Олимпия захиралари коллежида ота-оналар тўловини ҳисоблаш

9. Олимпия захиралари коллежига ота-оналар тўловининг бир кунлик миқдорини ҳисоблаш ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) бир ойлик тўлови миқдорини қонун ҳужжатларига мувофиқ олимпия захиралари коллежининг ойлик иш жадвали бўйича иш кунлари сонига тақсимлаш йўли билан амалга оширилади.

10. Олимпия захиралари коллежи ўқувчиси ўзининг ёки оила аъзоларининг (у парвариш қилишга мажбур бўлган) касаллиги сабабли коллежга кетма-кет уч кундан ортиқ келмаган давр учун тўлов ота-оналар тўловини кейинги тўлаш чоғида ўқувчи коллежга келмаган давр учун ҳисоблаб ёзилган тегишли суммани ушбу низомнинг 9-бандига мувофиқ чегириш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Ўқувчининг ёки унинг оила аъзоларининг касаллиги (карантин) сабабли олимпия захираси коллежига келмаганлиги тегишли даволаш муассасаси берган маълумотнома билан ёки участка врач томонидан тасдиқланиши керак.

Ўқувчи олимпия захиралари коллежига келмаган бошқа барча ҳолларда ота-оналар тўлови умумий асослар бўйича ундирилади.

11. Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ўқувчи олимпия захиралари коллежига келиши бошқа таълим муассасасига ўтиши муносабати билан тўхташидан камида бир ҳафта олдин бу тўғрида олимпия захиралари коллежи маъмуриятини ёзма равишда хабардор қилиши керак. Олимпия захиралари коллежи хабардор қилинмаган тақдирда ота-оналар тўлови сифатида тўланган тўлов қайта ҳисоб-китоб қилинмайди ва қайтариб берилмайди.

12. Пул маблағларини ота-оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга) қайтариб бериш тегишли суммани ота-оналардан (уларнинг ўрнини босувчи шахслардан) бирининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

13. Ўқувчи Олимпия захиралари коллежлари тўғрисидаги Низомнинг 26-бандида кўрсатилган сабабларга кўра олимпия захиралари коллежидан четлатилган тақдирда ота-оналар тўлови сифатида илгари тўланган тўлов қайта ҳисоб-китоб қилинмайди ва қайтариб берилмайди, ўқувчи ўз хоҳишига кўра бошқа таълим муассасасига ўтган ҳоллар бундан мустасно.

IV. Кам таъминланган оилалардаги ўқувчиларни ота-оналар тўловидан озод қилиш тартиби

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорига мувофиқ кам таъминланган оилалар ўқувчилари ота-оналар тўло-

вини тўлашдан ҳар қайси олимпия захиралари коллежидаги жами ўқувчиларнинг кўпи билан 30 фоизи озод қилинади.

Бунда кам таъминланган оилаларнинг ота-онаси (улардан бири ёки иккаласи ҳам) I ёки II гуруҳ ногиронлари бўлган ўқувчилари ота-оналар тўловидан биринчи навбатда озод қилинадилар.

15. Фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилган кам таъминланган оила тўғрисидаги маълумотнома ўқувчиларни ота-оналар тўловидан озод қилиш учун асос ҳисобланади.

Ушбу ҳужжат белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун олимпия захиралари коллежига тақдим этилади.

16. Кам таъминланган оилаларнинг ота-оналар тўловидан (режалаштирилаётган ўқувчилар умумий сонининг 30 фоизи доирасида) озод қилинаётган ўқувчилари рўйхати молия йили бошлангунгача, ота-оналар кенгаши йиғилиши протоколи асосида олимпия захиралари коллежи директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

17. Рўйхатдаги таркиб ўқувчилар олимпия захиралари коллежидан батамом кетиши сабабли ўзгарган тақдирда рўйхат рўйхатга кирмаган кам таъминланган оилаларнинг ўқувчиларидан шакллантирилаётган захира ҳисобига тўлдирилади. Рўйхат унга биринчи навбатда оиланинг ҳар бир аъзоси ҳисобига умумий ойлик даромад даражаси энг паст бўлган кам таъминланган оилалар ўқувчиларини киритиш қондасига риоя этилган ҳолда тўлдирилади.

Кам таъминланган оилалар ўқувчиларини озиқ-овқат билан таъминлаш харажатларини молиялаштириш олимпия захиралари коллежи ўқувчилари учун суткалик озиқ-овқат нормаси ҳосил бўладиган қийматининг 75 фоизи миқдорида амалга оширилади.

V. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот

18. Олимпия захиралари коллежига ота-оналар тўлови бўйича маблағларни ҳисоблаш ва тушишининг бухгалтерия ҳисоби тегишли олимпия захиралари коллежининг бухгалтерияси томонидан, белгиланган тартибда амалга оширилади.

VI. Якуний қондалар

19. Олимпия захиралари коллежларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари ота-оналар тўловидан тушадиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши учун жавоб берадилар.

20. Ота-оналар тўловидан тушган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

21. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 30 июлдаги 163-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Олимпия захиралари коллежлари ўқувчилари учун
суткалик озиқ-овқат
НОРМАСИ***

Т/р	Маҳсулотлар номи	Грамм (брутто)
1.	Бугдой нони, 1-нав	600
2.	Бугдой уни, 1-нав	30
3.	Ёрма, макарон маҳсулотлари	160
4.	Қанд-шакар	100
5.	Асал	30
6.	Қандолатчилик маҳсулотлари	120
7.	Сариёғ	80
8.	Ўсимлик ёғи	30
9.	Сут-қатиқ	600
10.	Қаймоқ	50
11.	Творог	100
12.	Пишлоқ	50
13.	Гўшт, парранда гўшти	410
14.	Колбаса маҳсулотлари	70
15.	Балиқ	100
16.	Тухум (дона)	2
17.	Картошка	500
18.	Сабзавотлар, шу жумладан помидор пастаси	700
19.	Мева-резаворлар, шарбатлар, витаминли ичимликлар	800
20.	Қуруқ мевалар, шу жумладан наъматак — 5 гр, баргак	50
21.	Чой	3
22.	Какао	5
23.	Йодланган туз	10
24.	Хамиртуруш	1
25.	Минерал сув	500
	Оқсиллар	231,8
	Ёғлар	228,8
	Углеводлар	957,9
	Калорияси	6693,8

Изох. * Ушбу норма — энг юқори норма. Олимпия захиралари коллежлари ўқувчилари учун аниқ нормалар спорт тури, ўқувчиларнинг ёши ва жинсига, шунингдек ўқув бўғинига қараб амалдаги санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 30 июлдаги 163-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Худудий маданият ва спорт ишлари бошқармалари
тасарруфига берилаётган олимпия захиралари коллежлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Коллеж номи		Худудий бошқарма
1.	Нукус олимпия захиралари коллежи	—	Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
2.	Андижон олимпия захиралари коллежи	—	Андижон вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси
3.	Бухоро олимпия захиралари коллежи	—	Бухоро вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси
4.	Жиззах олимпия захиралари коллежи	—	Жиззах вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси
5.	Қарши олимпия захиралари коллежи	—	Қашқадарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси
6.	Наманган олимпия захиралари коллежи	—	Наманган вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси
7.	Самарқанд олимпия захиралари коллежи	—	Самарқанд вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси
8.	Тайлоқ олимпия захиралари коллежи	—	Самарқанд вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси
9.	Термиз олимпия захиралари коллежи	—	Сурхондарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси
10..	Чирчиқ олимпия захиралари коллежи	—	Тошкент вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси
11.	Фарғона олимпия захиралари коллежи	—	Фарғона вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси
12.	Урганч олимпия захиралари коллежи	—	Хоразм вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси
13.	Тошкент шаҳар* Республика олимпия захиралари коллежи	—	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

Изоҳ. * Ташкил этилган кундан буён (1961 йил) Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидадир.